

Шўро даври ўзбек адабиётининг ривожига салмокли хисса кўшган улуг адаб, шоир, олим, жамоат арбоби Мусо Тошмухаммад ўгли Ойбек 1905 йили Тошкент шахрида бўзчи оиласида дунёга келди.

Олдин ўрта мактабда, 1922—1925 йилларда эса Тошкент педтехникумida таълим олди. Сўнgra Ўрта Осиё Давлат дорилфунунида ижтимоий фанлар факултетида ўкишни давом эттириди. Ленинграддаги Плеҳанов номидаги Халқ хўжалиги институтида тахсил кўрди. 1930 йили Ўрта Осиё Давлат дорилфунунини тугатиб, Олий мактабларда сиёсий иктисаддан дарс беради.

Ойбек адабиётга 1926 йили чоп этилган «Туйгулар» шеърий тўплами билан кириб келади. Шоирнинг «Дилбар давр кизи» (1931), «Ўч» (1932), «Бахтигул ва Согиндик» (1933), «Темирчи Жўра» (1933) поемалари ўз даврининг шеърий солномалариданdir. Унинг йигирмадан ортик достонлари бўлиб, тарихий, замонавий ва хорижий мавзуларда яратилган.

Ўзбек халкининг 1916 йилги миллий озодлик кўзголони ёзувчининг «Кутлуг кон» (1940) романида зўр маҳорат билан реалистик ифодаланган. Адебнинг иккинчи йирик тарихий асари «Навоий» (1944) романиdir. Ойбек бу романда ўзбек адабиётида биринчи бўлиб, улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоий образини яратди. Унинг «Олтин водийдан шабадалар» (1949) асарида халкимизнинг урушдан сўнгги давр яратувчилик меҳнати, «Куёш кораймас» (1958) романида Улуг Ватан урушида эришилган галаба акс эттирилган. Адебнинг «Улуг йўл» (1967) асари эса «Кутлуг кон» романининг мантикий давоми бўлиб, унда ёзувчи миллий онгнинг шаклланишини маҳорат билан кўрсата олган.

Ойбек 1949 йилда Покистонга саёҳат килди. Адеб Покистон хаётини, фикр ва туйгуларини, кураш ва интилишларини «Покистон хотиралари» очеркларида, катор шеърларида, «Зафар ва Захро», «Хакгўйлар» достонларида, нихоят «Нур кидириб» повестида тасвирлади.

Адебнинг автобиографик повести «Болалик» 1963 йилда яратилди. Киссанинг бош қаҳрамони ёш Мусо яъни Ойбекнинг ўзидир.

Ойбек истеъдодли шоир, йирик носир бўлибина колмай, машхур олим, давлат ва жамоат арбоби, публицист танқидчи ва таржимон хамдир. Ўзбек китобхони Пушкиннинг «Евгений Оиегин», Лермонтовнинг «Маскарад» асарини, антик Рим адабиёти намуналарини, арман эпоси «Сосунли Довуд»ни Ойбек таржимасида ўкишга мусассар бўлган.

Ойбек 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг хакиий аъзолигига сайланди ва 1950 йилгача Академияда ижтимоий фанлар бўлимининг раиси лавозимида ишлади. У юкори малакали филологлар тайёрлашга катта хисса кўшган устоздир.

Улкан адеб «Навоий» романи учун Иттифок Давлат мукофоти лауреати бўлди, бир неча

орден ва медаллар билан такдирланди. У Ўзбекистон халк ёзувчиси, Хамза номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори хам бўлган. Ёзувчининг асарлари ўзбек адабиётининг жаҳон аро шуҳратини янада оширди. Устоз маҳорати ёш ёзувчилар учун ижод дорилғунунiga айланди. Ойбекнинг ўлмас асарлари маънавий хазинамииздан мангу ўрин олди ва умумхалк мулки бўлиб колди. Унинг энг яхши асарлари жаҳон адабиёти хазинасига хам кирган. Ойбек 1968 йил 1 июлда 63 ёшида вафот этди. Вафотидан сўнг унинг 20 жилдлик тўла асарлари мажмуаси нашр этилди.